



**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ВОЯГА
ЕТМАГАНЛАРНИ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЎҚУВ-
ТАРБИЯ МУАССАСАСИГА ЖОЙЛАШТИРИШ
ФАОЛИЯТИДА БОЛАЛАР МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА
КОМИССИЯЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Мустофақулов Бобур Асрор ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, капитан

Салиев Казбек Амангелди ули

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим
2-ўқув курси 209-гуруҳ курсанти

Аннотация: Ушбу мақолада профилактика инспекторининг вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув тарбия муассасасига жойлаштириш фаолиятида ва болалар масалалари бўйича комиссиялари билан ўзаро ҳамкорлиги, вояга етмаганларни ижтимоий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш фаолияти, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларга қарши кураш ҳамда барҳам бериш жараёнида профилактика инспектори томонидан амалга ошириладиган ишлар самарали юритиш, болалар масалалари бўйича комиссиялари билан ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ёритилган.

Калит сўзлар: ҳуқуқбузарлик, профилактика, вояга етмаганлар, ўқув-тарбия муассасаси, болалар масалалари бўйича комиссия, ҳамкорлик.

Annotation: This article outlines proposals and recommendations on the interaction of the prevention inspector with commissions on children's issues in the activities of placement of minors in a specialized educational institution and with commissions on children's issues, on the activities of placement of minors in a center for social and legal assistance, on the effectiveness of preventive work carried out by the inspector in the process of preventing, combating and eliminating offenses, on the improvement of interaction with commissions on children's issues.

Key words: commission on violations, prevention, juveniles, educational institutions, children's issues, cooperation.

Мамлакатимизда болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда соҳанинг институционал ва ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида болаларнинг соғлиғи, ҳавфсизлиги, тўлиқ жисмоний, ақлий ва маънавий ривожланишини, иқтидори ва истеъдодини юзага чиқаришни таъминловчи қафолатлар сезиларли даражада кучайтирилди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) институти таъсис этилди, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ғамхўрлик қилиш, уларнинг устувор равишда оила муҳотида ўсиб-улғайиши учун шароитлар яратишга қаратилган янги тизим жорий этилди.¹

Ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва уни такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ислохотларнинг навбатдаги босқичи сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги «Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5076-сон қарорининг имзоланганлиги муҳим воқеа бўлди. Мазкур қарорга асосан, ички ишлар органлари учун мутахассислар тайёрлашнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш, ходимларнинг малакасига қараб хизмат бўйича ўсишини таъминлаш, шунингдек, куч ва воситаларни самарали бошқаришда раҳбар кадрларнинг интеллектуал ва профессионал салоҳиятини янада ошириш мақсадида, Ички

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 2-декабрдаги “ Болалар масалалари бўйича комиссиялар фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 201-сон фармони <https://lex.uz/docs/7246177> .

ишлар вазирлиги Малака ошириш институтига юридик шахс мақоми берилди ҳамда Институт фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб берилди.²

Ўзбекистонда БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясининг талабларига риоя этилишини таъминлаш, болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, хусусан, оилада ҳам уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, болаларга нисбатан оилавий муҳитдаги ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир халқаро стандартларни имплементация қилиш масалаларига устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Мазкур масаланинг долзарблиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида шу жумлаларга эътироф этиб ўтган: “Умуман ҳар қандай жамият тараққиётида унинг келажагини таъминлайдиган ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши ҳал қилувчи ўрин тутди. Шу сабабли биз ислохотларимиз қўлами ва самарасини янада оширишда ҳар томонлама етук, замонавий билим ва ҳунарни пухта эгаллаган, азму шижоатли, ташаббускор ёшларимизга таянамиз”³

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 22 апрелдаги ПҚ–4296-сон қарори, “Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 2019 йил 29 майдаги ПҚ– 4342-сон қарори, “Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 29 майдаги ПҚ–4736-сон қарори, “Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил

² ugli Gafurov A. A., ogli Mustofaqulov B. A. IMPROVING THE EFFECTIVE SYSTEM OF PERSONNEL TRAINING IN THE CRIME PREVENTION SERVICE //INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCE" SCIENTIFIC ADVANCES AND INNOVATIVE APPROACHES". – 2024. – Т. 1. – №. 2. – С. 16-22.

³ 2020 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномаси. <http://president.uz/uz/lists/view/4057>

9 августдаги ПФ–6275-сон фармонининг қабул қилинганлиги бола ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши муҳим аҳамият касб этишидан далолат беради.

Бола ҳуқуқларининг халқаро ҳуқуқий асослари сифатида 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциясини Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 9 декабрда ратификация қилганлигини эслаб ўтиш жоиз. Мамлакатимизнинг мазкур Канвенцияга қўшилиши давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ушбу масала билан боғлиқ вазифаларни изчиллик билан амалга оширишда таъсирчан механизмнинг яратилиши муҳим аҳамият касб этади. Ушбу ҳужжат бола ҳуқуқлари соҳасидаги миллий қонунчиликни ривожлантиришнинг мукамал андозаси бўлиб хизмат қилди. Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ бола⁴ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини босқичма-босқич ислоҳ этиш, бу соҳадаги халқаро меъёрларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ва қонунчиликни такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратилди. Жаҳон тажрибасидан маълумки, бола ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини беш жиҳатдан, яъни қонунчилик, дастурий, бошқарув, ижро ва маърифий соҳаларда таъминланади. Ўзбекистонда ҳам бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими бир қанча йўналишларда амалга оширилмоқда. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция талабларидан келиб чиқиб, юртимизда бола ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган ислохотлар қуйидаги йўналишларда олиб борилмоқда: бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш; бола ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш; боланинг камситилишига йўл қўймаслик; боланинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш; бола ҳуқуқлари ва имкониятларини тенглигини таъминлаш. Энг муҳими, Ўзбекистонда бола ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича комплекс ҳуқуқий асослар

⁴ yosh olimlarilmiy-amaliy konferensiyasiin-academy.uz/index.php/yo47

яратилди. Айниқса, 2008 йил 7 январда қабул қилинган «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун бу борада тарихий ҳужжат бўлди. Қонунда ижтимоий жиҳатдан муҳтож, етим, ногирон болаларнинг ҳуқуқларини ҳар томонлама таъминлаш кўзда тутилган. Унда болаларнинг ҳар томонлама баркамол вояга етишлари учун зарур шароитларни яратиш борасидаги давлат сиёсатининг асослари ўз аксини топди.

Маълумки, жиноятларнинг сабаблари объектив ва субъектив хусусиятга эгаллиги билан таснифланади. Шу жиҳатдан, фирибгарлик жиноятларига субъектив сабаблар хосдир. Кўп ҳолларда мавжуд қарама-қаршилиқлар ва салбий вазиятлар фирибгарлик жиноятларининг келиб чиқишига сабаб бўлади, яъни ушбу вазиятлар муайян шахсларда салбий ижтимоий ва индивидуал-руҳий хусусиятларни шакллантиради. Бу каби индивидуал-руҳий хусусиятлар шахсни молпарастликка жалб этади ва унда пулнинг қудратига ишонч пайдо бўлади. Оқибатда шахсда ижтимоий бузуқ руҳият шаклланади.⁵

Ўзбекистон Рсепубликаси Президентининг 2024 йил 2-декабрдаги Ўзбекистон “Болалар масалалари бўйича комиссиялар фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 201-сон фармонида асосан Болалар масалалари бўйича миллий комиссия ва Болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туман (шаҳар) комиссияларининг (кейинги ўринларда — болалар масалалари бўйича комиссиялар) асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди.

болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалда рўёбга чиқариш, уларнинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ҳамда ахлоқий жиҳатдан камол топишига, қобиляти ва истеъдодини тўлиқ намоён этишига қўмаклашиш бўйича чора-тадбирларни мувофиқлаштириш;

болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида бажарилаётган ишларни тизимли таҳлил қилиш,

⁵ <https://academics.uz/index.php/zfty/issue/view/136.>,

Ҳ.Қ. Бабаханов, Н.Р. Ибраҳимов., Профилактика инспекторининг фирибгарлик жиноятлари профилактикасини ташкил этиш тартиби.

баҳолаш ва самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

ижтимоий етимликнинг олдини олиш ва болаларнинг устувор равишда оила муҳотида ўсиб-улғайишини таъминлаш мақсадида болаларни оилага тарбияга бериш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ва тарбияга бериш тизимининг самарадорлигини таҳлил қилиш ҳамда ушбу тизимни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиб бориш;

Сифатли таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш, болаларга чуқур билим бериш, уларнинг билим, малака ва кўникмаларини шакллантириш бўйича давлат органлари томонидан амалга оширилаётган ишларни мунтазам таҳлил қилиб бориш ҳамда таълим олишига тўсқинлик қилаётган омилларни бартараф этиш юзасидан таъсирчан чораларни белгилаш;

«Хавфсиз мактаб» тизими кенг жорий этилишига қаратилган ва мактабларда ахлоқий-психологик муҳитни яхшилаш бўйича дастурлар амалга оширилиши ҳолатини таҳлил қилиб бориш;

болаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш, айниқса, қишлоқ ва чекка ҳудудларда болалар спортини янада ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижасини муҳокама қилиб бориш;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни инклюзив таълимга жалб қилиш, тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш ва жамиятга интеграциясини таъминлаш бўйича кўрилаётган чоралар самарадорлигини баҳолаш;

болаларни ватанпарварликка ундайдиган таълим-тарбия самарадорлигини, ватанпарварлик ва Ватанга садоқат ҳиссини юксалтириш бўйича кўрилаётган чоралар таъсирчанлигини ошириш;

болалар саломатлигини асраш, уларга сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, улар орасида соғлом турмуш тарзини ва тўғри овқатланишни йўлга қўйиш, таълим ташкилотларида болаларнинг озиқ-овқат таъминоти, уларнинг сифати

ва санитария ҳолатини ўрганиб бориш ва яхшилаш бўйича зарур чораларни кўриш;

болаларда ҳуқуқбузарликларга қарши иммунитетни шакллантириш, улар орасида ҳуқуқбузарлик, назоратсизлик ва ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг, шунингдек, болалар эксплуатацияси, уларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш ва уларнинг реабилитациясини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолатини таҳлил қилиш ва улар самарадорлигини ошириш чораларини кўриш;

болалар ўртасида спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни истеъмол қилиш ёки бошқа салбий иллатларни эрта босқичларда аниқлаш, даволаш ва тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш бўйича амалга оширилаётган ишларни таҳлил қилиш ва уларнинг ечими бўйича таклифлар тайёрлаш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш, уларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини баҳолаб бориш ва уларни янада такомиллаштириш бўйича таклифларни кўриб чиқиш;

болалар билан ишлаш тизимидаги камчиликлар, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг, болалар масалалари бўйича ҳудудий комиссияларнинг болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш белгиланган.⁶

Ҳозирги вақтда ҳам Республикамиздаги профилактика инспекторлари томонидан маҳалласидаги вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарлигини олдини

⁶ Ўзбекистон Рсепубликаси Президентининг 2024 йил 2-декабрдаги “Болалар масалалари бўйича комиссиялар фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 201-сон фармони <https://lex.uz/docs/7246177>

олишда туман шаҳар болалар масалалари бўйича комиссия билан ҳамкорликда ишламоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29-сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси” тўғрисидаги қонуннинг 3-моддаси асосий тушунчаларда— вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган, якка тартибдаги профилактика иши билан биргаликда амалга ошириладиган ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизими белгиланган.⁷

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 37 миллиондан ошди, уларнинг қарийб 16 миллион нафарини айнан вояга етмаганлар ташкил қилади. Улар жамият ва давлат ривожига таъсир этувчи ва ҳал қилувчи асосий куч сифатида намоён бўлади. Азалдан юртимизда фарзанд дунёга келганидан бошлаб, то камолга етгунига қадар унинг таъминоти, таълим-тарбияси ва билим олиши, касб ҳунар эгаллашига, умуман етук инсон бўлиб камол топишига алоҳида эътибор қаратиб келинган. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Парламентга Мурожаатномасида: “Халқимизда “таълим ва тарбия бешиқдан бошланади” деган ҳикматли бир сўз бор. Фақат маърифат инсонни камолга, жамиятни тараққиётга етаклайди” деган фикрлари ҳам сўзимизни яна бир бор исботлайди.⁸

Хулоса қилиб айтганда жамиятимизда вояга етмаганларни таълим ва тарбия бериб етук кадр қилиб тарбиялашда профилактика инспекторлари

⁷ <https://lex.uz/docs/1685726>

⁸ Ниматов Ш. Н. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳозирги кундаги долзарб масала сифатида //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 2. – №. 1. – С. 136-140.

болалар масалалари бўйича комиссиялари билан мустаҳкам ҳамкорликни амалга ошириб ўзларининг функционал вазифаларини сидқидилдан бажарсалар Ўзбекистон Республикасининг келажаги буюк бўлади. Жамиятимизда юксак билимли, жимонан бақувват ва иқтидорли ватанпарвар ёшлар етишиб чиқади. Профилактика инспекторлари маҳаллада ҳуқуқбузарлик содир этган вояга етмаганлар билан мунтазам равишда болалар масалалари бўйича комиссиялар билан манзилли профилактик чора-тадбирлар амалга оширса вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинади десак муболаға бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Рсепубликаси Президентининг 2024 йил 2-декабрдаги “ Болалар масалалари бўйича комиссиялар фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 201-сон фармони <https://lex.uz/docs/7246177> .

2. ugli Gafurov A. A., oglu Mustofaqulov B. A. IMPROVING THE EFFECTIVE SYSTEM OF PERSONNEL TRAINING IN THE CRIME PREVENTION SERVICE //INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCE" SCIENTIFIC ADVANCES AND INNOVATIVE APPROACHES". – 2024. – Т. 1. – №. 2. – С. 16-22.

3. 2020 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномаси. <http://president.uz/uz/lists/view/4057>

4. [yosh olimlarilmiy-amaliy konferensiyasiin-academy.uz/index.php/yo47](http://yosh.olimlarilmiy-amaliy.konferensiyasiin-academy.uz/index.php/yo47)

5. <https://academics.uz/index.php/zfty/issue/view/136>.,

Ҳ.Қ. Бабаханов, Н.Р. Ибрахимов., Профилактика инспекторининг фирибгарлик жиноятлари профилактикасини ташкил этиш тартиби.

6. Ўзбекистон Рсепубликаси Президентининг 2024 йил 2-декабрдаги “Болалар масалалари бўйича комиссиялар фаолиятининг самарадорлигини

<https://lex.uz/docs/7246177>

7. <https://lex.uz/docs/1685726>

8. Ниматов Ш. Н. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳозирги кундаги долзарб масала сифатида //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 2. – №. 1. – С. 136-140.